

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ОЛМАНИНГ ЎРТАКИ  
НАВЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ****Хўжаев Хамидулло Шахобиддинович****Ўринов Дилмуроджон Мирзамахмудович***Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,**узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти**Андижон илмий тажриба станцияси илмий ходимлари***Исмоилов Илёмбек***АҚХИ Магистранти*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада ёзги олма навларининги Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станцияси иқлим шароитларида вегетация даврларини кечиши ҳосилдорлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *Ред делишес, ва Кандиль Синап, Лимоний Голден делишест Оқ розмарин Победа ММ-106 фенология, центнер.*

Маълумки, ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинларининг гуллаш вегетация даврида, босқичлари ҳосилдорлиги бевосита ташқи аҳамиятга эга. у боис, интенсив олма боғларида дарахтларни жойлаштириш иқлим шароити, тупроқ унумдорлигига мос экиш схемаларини оптималлаштириш навларининг юқори ҳосилдорлигидан фойдаланиш ва юқори сифатли маҳсулот етиштириш имкониятини яратади.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станцияси уруғлик ҳосилли олма боғларида ўтказилган Дала тажрибалари Биометрик ўлчовлар ҳосиллик ҳамда ярим ҳосилсиз боғларда Тажриба уч қайтариқда 7 та ўсимликда тажриба олиб борилди. Тажрибалар Х.Ч.Буриев ва бошқа маънабалардан “ Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси (2014), В.Ф.Моисейченконинг “Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами” (1967) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсияларга мувофиқ тажриба ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, кўчатларни ташқи муҳит омилларига мослашувчанлиги ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига кучли даражада таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Интенсив олма боғларини ташкил этишда асосан ер майдонни тўғри танлаш янада муҳимдир. Ҳар бир нав учун унинг шох-шаббасини ривожланиш габитусидан келиб чиққан ҳолда энг мақбул шароитларни ҳисобга олган ҳолда нав танлаш ўсимликларнинг нормал ўсиб ривожланишини ва юқори ҳосил беришини таъминлайди.

Ташқи муҳит омилларининг таъсири, энг аввало, вегетатив ривожланишида олма навларида ўсув ва гул куртакларининг ёзилиш муддатини кузатиш улар орасида маълум тафовут бўлишини қайд этиш имконини беради.

Андижон вилояти шароитлариги мослашувчанлигини ўрганиш учун ММ-106 пайвандтагига пайвандланган 6 хил олма навининг ёзги вақтда пишадиган навларда кузатувлар олиб бориш мақсадида олманинг ўртаки Стандарт сифатида Голден делишес нави танлаб олинди

### Фенологик фазаларини ривожланиши.

Ўртаки навларда гуллаш 28 мартдан бошланди (Лимонний), энг кеч гуллаш 8 апрельдан Розмарин ва Ред делишес навларида бошланди, кўпчилик навлар 31 март-2 апрельда кунлари оралиғида гуллади. Апрель ойини 7-10 кунларига бориб олманинг кузги навлари қийғос гуллашга келиб 13-16 апрелга келиб гуллашни якунлаб мева тугиш даврига ўтди.

Олма ўртаки наларида меваларининг пишиш муддати Голден делишест Ред делишест навларида 23-21августда бошланиб 10 сентябрда пишиш даври тугаганлиги кузатилди. Пишиш давомийлиги 18-19 кунни ташкил этди. Лимоний нави меваларнинг пишиш вақти 2 августда бошланиб 22 августда якунланди Кузги олма навари орасида энг эрта бошланиб якунланди колган навлар 14 августдан 1 сентябр оралиғида пишиш бошланди 10 сентябрда териб олинди.

### 1-жадвал

#### Олма навларида фенологик фазаларининг ривожланиши (2019 йилда экилган)

т/р	Навлар	Мева куртакларнинг		Гуллаш		Пишиш		
		бўртиши	очирилиши	бошланиши	Тугаши	бошланиши	тугаши	давоми йлиги
1	Голден делишест	24 III	28 III	02 IV	15 IV	23/VIII	10/ X	18
2	Ред делишест	26 III	30 III	03IV	15 IV	21/VIII	10/ X	19
3	Кандиль Синап	24 III	27 III	02 IV	14 IV	14/VIII	10/X	26
4	Оқ Розмарин	24 III	28 III	03 IV	16 IV	01/IX	10/X	10
5	Победа	19 III	24 III	02 III	13 IV	19/VIII	10/X	20
6	Лимонний	24 III	27 III	01 IV	14 IV	02/VIII	22/VIII	20

### Ҳосилдорлик.

Ўртаки навларда ўртача 4.3 баллини ташкил қилди. Навлар ичида яхши ҳосил берганлари Ред делишес, ва Кандиль Синап навларида ўртача бир туп дарахтдан 7.8 кг, максимал 10 кг, ҳосил олинди бир дона мева вазини ўртача 185 грамни ташкил қилди мева тўқ қизил сариқ яшил рангда Голден делишес нави ўртача бир туп дарахтдан 5.9 кг, максимал 10.03 кг, ҳосил олинди бир дона мева вазини ўртача 163 грамни ташкил қилди мева кўк рангда, паст Оқ розмарин навида ўртача бир туп дарахтдан 4.1 кг, максимал 4.7 кг, ҳосил олинди бир дона мева вазини ўртача 60.6 грамни ташкил қилди мева тўқ қизил рангда. Ҳосилдорлик эса бир гектар майдонга

хисоблаганда Оқ розмарин нави 18.8 центнер, победа нави 30 центнер, Лимоний навида 40 центнер Жерс мак нави эса 37,5 центнерни ташкил этди.

**2-жадвал**

**2018-йилда баҳорда 2019 йилда кузда экилган олма навлари меваларининг ҳосилдорлиги (ёкиш схемаси (4x2 м))**

т/р	Навлар	Ҳосил терилган вақти	1 тупдаги ҳосил, кг			Мева массаси г.		Ҳосилдорли к ц/га	Дегустация баҳоси 5 балл
			ўртача	юқори	балл	ўртача	юқори		
1	Голден делишест	20/VII	5,9	10.3	4,6	163	185	73.8	4,5
2	Ред делишест	08/IX	7.8	9.9	4.3	141	150	130.1	4.8
3	Кандиль Синап	10/IX	5.5	8.8	4.7	206	228	92.4	4.6
4	Оқ Размарин	10/IX	4.1	4.07	3.6	100	109	18.8	4.5
5	Победа	10/IX	1.9	6.3	3.8	147	0.196	32	4.2
6	Лимоний	22/VIII	3.2	5.2	3.7	162	180	40.0	4.4

Олиб натижаларга асосланиб Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон станцияси илмий тажриба станцияси илмий тажриба станцияси жойлашган Избоскан тумани ҳудудида қисқа муддатли совуқларга Ёзги олма (Ред делишес, ва Кандиль Синап, Лимоний Голден делишест ) навларида бардошли эканлиги ва юқори ҳосил бериш аниқланди.

Олманинг кузги ва қишки навларининг пишиш муддатлари ҳозирда ўрганилмоқда. Тадқиқотлар давом этмоқда.

**ҲОЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Бўриев Х.Ч., Енилеев Н.Ш. ва б. Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси. – Т, 2014.
2. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. “Ўзбекистон мевачилиги” Т.: Ўқтувчи 1981.
3. Услубий қўлланма “Мевалар, резавор мевали ва ёнғоқ ўсимликлари навларини ўрганиш усули ва дастури” И.В.Мичурин номли ББИТИ (1999)
4. Исраилов Г.К. Химический состав и лежкость плодов интродуцированных сортов яблони